

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 9 ” апрель №ПҚ-4273 “ ” 20 г.

Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатда статистика ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўрилмоқда. Интернетдаги йиғма маълумотларнинг миллий саҳифаси Халқаро валюта жамғармаси маълумотларини тарқатишнинг кенгайтирилган умумий тизими билан уйғунлаштирилди.

Шу билан бирга, ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиқлик ҳолати, очиқ маълумотларнинг ошқоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятга етказишнинг амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва натижада мамлакатимизнинг статистика салоҳияти индексидаги ўрни пастлигича қолмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибadorлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқарувининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп қарра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи **Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали** (кейинги ўринларда – Портал) фаолият юритмоқда.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат статистика кўмитаси) **давлат органлари ва ташкилотларининг** очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини (кейинги ўринларда – Рўйхат) шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича **фаолиятини мувофиқлаштиради**;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) **Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун** жавобгар ҳисобланади;

в) Порталдаги ахборотлар:

фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида, шу жумладан машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда эълон қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғланган бўлиши лозим;

г) давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5635-сон Фармонида мувофиқ ташкил қилинган, **халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар** зиммасига юкланади.

3. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида **давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда Рўйхатни шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлинма** ташкил этилсин.

Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда бўлинманинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Давлат статистика қўмитасига Портални ривожлантириш фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улардан фойдаланиш;

Портални ривожлантириш, шунингдек, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз асосда маслаҳат ёрдами олиш;

ушбу қарорни бажариш доирасида экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) шартнома асосида жалб этиш;

Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмаги)ни жалб этиш.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан:

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти **1,3 бараварга оширган ҳолда** қўлланилади;

давлат статистика органлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик устамалар қуйидаги миқдорларда тўланади (рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олган ҳолда лавозим маошларига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан 20 йилгача – 0,4; 20 йилдан 25 йилгача – 0,5; 25 йилдан ортиқ – 0,6. Кўп йиллик хизматлари учун мукофот пули олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштириш учун очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда **устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

“Очик маълумотлар глобал индекси” ва “Очик маълумотлар барометри” талабларига мувофиқ **маълумотларнинг очиқлик ҳолатини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида тегишли индикаторларни жойлаштириш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати** 3-иловага мувофиқ;

Алоҳида таркибий индикаторлар бўйича **Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид “Йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

Жаҳон банкнинг статистика салоҳияти индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиқлиги индексида 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ;

2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қуйидагиларнинг:

а) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг:

Порталда эълон қилинадиган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, унинг ўз вақтида шакллантирилиши ва янгилаб турилиши;

Порталда жойлаштириладиган ахборотнинг мазмуни ва сифати;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ахборотларининг ошкоралиги ва фойдаланиш эркинлигини таъминлаш;

тегишли ахборотни шакллантиришда халқаро методологик стандартларни, тавсияларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш юзасидан;

б) Агентликнинг Порталдан Ўзбекистон Республикаси тўғрисида зарур ахборотни олишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш юзасидан;

в) Давлат статистика қўмитасининг халқаро тажрибани ва фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Порталда эълон қилинадиган Рўйхатнинг мунтазам янгиланиб турилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

8. Агентлик 2019 йил 1 августга қадар Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маълумотлар тўплами ва улар эгаларининг ягона реестрини шакллантирган ҳолда барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базалари интеграциялаштирилишини назарда тутувчи маълумотларни бошқариш давлат тизимини яратиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар Агентлик ҳамда Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 10 майга қадар иқтисодиёт тармоқларидаги жорий ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг миқдор, сифат ва мазмунга оид параметрларини тавсифловчи халқаро кўрсаткичларни ушбу индикаторлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганиб чиқсин;

2019 йил 20 майга қадар иқтисодиёт тармоқларидаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг халқаро кўрсаткичларини ўрганиш асосида Порталда жойлаштириладиган Рўйхатни зарур ахборот (индикаторлар) билан, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида фойдаланиладиган маълумотлар базалари тизимлари бўйича ахборот билан тўлдирсин;

2019 йил 1 июнга қадар мавжуд бўлмаган индикаторларни шакллантириш методикасини ўргансин ҳамда кейинчалик Порталда жойлаштириш учун уларни ишлаб чиқиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

10. Ушбу қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган масъул ижрочилар Агентлик ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 20 майга қадар “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” методикасининг асосий йўналишларига мувофиқ маълумотлар очиқлиги ҳолатини ўрганиб чиқсин ва таҳлил қилсин ҳамда мавжуд маълумотларни Порталда эълон қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар ягона методологик ёндошувни ишлаб чиқиш ва кейинчалик Порталда жойлаштириш учун улардан фойдаланишни инобатга олган ҳолда ҳудуднинг инвестициявий салоҳиятини тўла-тўқис очиб берувчи ахборот ва материаллар рўйхатини Давлат статистика қўмитаси ва Агентликка киритсин;

Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмаги)ни жалб этишда Давлат статистика қўмитасига кўмаклашсин.

12. Давлат статистика қўмитаси ва Агентлик:

а) 2019 йил 1 июнга қадар:

Порталда жойлаштиришнинг аниқ муддатлари ва шакллари белгилаган ҳолда Рўйхатни тасдиқласин;

халқаро маълумотлар базаларини кўшимча равишда ўрганиб чиқсин ва ахборотнинг янги параметрларини ишлаб чиқиш чораларини кўриб, кейинчалик уларни Рўйхатга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан бошлаб “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” халқаро рейтингларида иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда Очиқ маълумотлар пухталиги модели (“Open Data Maturity Model”) ҳамда бошқа халқаро амалиётлар асосида давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш механизминини ишлаб чиқсин ва жорий этсин ҳамда натижаларни ҳар чоракда Порталда эълон қилиб борсин;

в) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан очиқ маълумотларнинг жойлаштирилиши ва мунтазам янгиланган турилиши устидан доимий мониторинг қилинишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тutsин;

ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурининг қийматини ҳисоблашда энг кам иш ҳақи миқдорлари янада оширилганини инобатга олсин;

7-иловага мувофиқ, Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналарини харид қилиш учун 2020–2021 йилларда Давлат бюджетидан Давлат статистика қўмитасига зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

14. Давлат статистика кўмитаси томонидан давлат статистика органларининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган компьютер техникаси, сервер ва коммуникация ускуналари, дастурий таъминот воситалари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (кўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой муддатда ўз биноларига эга бўлмаган ҳудудий статистика органларини жойлаштириш чораларини кўрсин;

ҳудудий статистика органларининг давлат тасарруфидаги бинолар ва хоналардан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи қийматини “ноль” ставкада белгиласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

2020–2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер текширувларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази негизида белгиланган штат бирликлари сони доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтини (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

давлат статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, шунингдек, касб маҳорати юксак даражада бўлишини таъминлайдиган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

статистика борасидаги кўникмаларни ривожлантириш, таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва уларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, асосан ихтисослик фанларидан иборат бўлган замонавий таълим стандартлари ва сифат жиҳатидан янги ўқитиш тизимини жорий этиш;

статистика соҳасидаги илғор тажриба ва илмий-тадқиқот ютуқларини айирбошлаш, шунингдек, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташи бўйича маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда таълим муассасалари, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

миллий даражада қўлланилаётган методологик воситалар, давлат ва идоравий статистик кузатувларни халқаро даражада уйғунлаштириш, мослаштириш ва қиёслаш нуктаи назаридан уларни малакали экспертизадан ўтказиш;

кейинчалик амалиётда қўллаш учун илғор статистика методлари ва технологиялари, шунингдек, очик маълумотлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Порталда тегишли ахборотни эълон қилиш ва янгилаш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини, шунингдек, нотўғри давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилганлиги учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

2019 йил 1 декабрга қадар илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда **“Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳасини;**

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”, “Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг, шунингдек, ахборотни тарқатишга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг меъёрлари унификациялаштирилишини назарда тутувчи ахборотни тарқатиш соҳасидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш;

2020–2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер текширувини ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

б) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портални такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ

Т/р	Чора-тадбирнинг номи	Амалга ошириш мuddати	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Очик маълумотлар тўпламининг умумлаштирилган рўйхатини уларни Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталда (кейинги ўринларда – Портал) жойлаштириш мuddатлари ва шакллари белгилаган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 1 июнь	Давлат статистика кўмитаси (Б. Беғалов), ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
2.	Портал билан идоравий ахборот тизимларини интеграция қилиш техник талабларини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июнь	ЛБМА (Д. Лу)
3.	Портални такомиллаштириш, шу жумладан унда қуйдагиларни назарда тутиш: портал интерфейсини илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда янгилаш; маълумотлар билан ишлашда фойдаланувчиларга қулай шароит яратиш мақсадида маълумотларни акс эттириш ва визуализация интерактив функцияларини қўшиш; маълумотларни уларнинг белгиларига қараб аниқлаш йўли орқали ўзаро алоқадор тўпламини яратиш имкониятини таъминлаш; вазирлик ва идораларнинг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини Портал билан интеграция қилиш имкониятини яратиш; Порталнинг инглиз тилидаги версиясини ишга тушириш.	2019 йил 1 август	ЛБМА (Д. Лу), Давлат статистика кўмитаси (Б. Беғалов) маълумотларни етказувчи органлар
4.	Портал билан давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилиш.	2019 йил 1 август	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар

5.	Порталда зарур маълумотларни тасдиқланган Очик маълумотлар тўплами рўйхати ва эълон қилиш муддатига мувофиқ машинада ўқиладиган (json, xml, csv), .xls ва бошқа форматда жойлаштириш ва янгилаш.	Белгиланган муддатларга мувофиқ	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
6.	Маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш ёки интерактив (рақамли) харитада нуктани танлаш имконини берадиган геолокация маълумотларини киритиш инструментини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 июль	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
7.	Очик маълумотлар тўпламига тақдим этилган географик объектларга геолокация ахборотларини бериш.	Маълумотлар янгилашиб боришига қараб	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
8.	Порталнинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтини мазкур трансляцияни Порталга жойлаштирган ҳолда доимий янгилаб бориш бўйича ишларни фаоллаштириш.	Доимий равишда	ЛБМА (Д. Лу)
9.	Юқори талабга эга бўлган идоравий форумларни Порталда интеграция қилишни таъминлаш.	2019 йил 1 июль	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
10.	Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва таҳлилий марказларда илмий ходимлардан иборат махсус гуруҳларни ташкил этиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини тузиш режаларига очик маълумотларни ривожлантиришга бағишланган мавзуларни киритиш.	Ҳар йили	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), ЛБМА (Д. Лу), манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Умумфойдаланишдаги ахборотларни ўрганиш мақсадида IT-компаниялар ўртасида танловлар ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш.	Жадвал асосида	ЛБМА (Д. Лу), Мирзо Улуғбек инновацион маркази (Н. Дехканов)
12.	Маълумотларни етказувчи органлар ходимларини очик маълумотлар тўпламини тайёрлаш ва уларни Порталда жойлаштириш масалалари бўйича қўшимча ўқитиш.	Доимий равишда	ЛБМА (Д. Лу)
13.	Портални “Маълумотномалар ва классификаторлар регистри” давлат ахборот тизимига интеграция қилиш.	2019 йил 1 сентябрь	ЛБМА (Д. Лу)

	Вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали “Маълумотномалар ва классификаторлар регистри”нинг актуаллигини таъминлаш.	Доимий равишда	Вазирлик ва идоралар
14.	Вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали “Маълумотномалар ва классификаторлар регистри”нинг актуаллигини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрь	ЛБМА (Д. Лу)
15.	АРИ Портал сервислари ишлаб чиқишни охирига етказиш ва кенгайтириш, маълумот олишнинг янги технологияларини, шу жумладан GraphQL технологиясини кўшиш.	2019 йил 1 октябрь	ЛБМА (Д. Лу)
16.	Порталда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг барча фойдаланадиган реестрлари ва веб-сайтлар бўйича очиқ маълумотларни излашга имкон берувчи ягона излаш механизминини яратиш.	2019 йил 1 октябрь	ЛБМА (Д. Лу)
17.	Келгусида катта ҳажмдаги маълумотларни эълон қилиш мақсадида маълумотлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш бўйича методология ва тизимостини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 октябрь	ЛБМА (Д. Лу)
18.	Порталда Портал контексти билан боғлиқ юқори талабга эга идоравий янгиликларни жойлаштиришни таъминлаш.	Доимий равишда	ЛБМА (Д. Лу), маълумотларни етказувчи органлар
19.	Маълумотларни етказувчи органлар томонидан маълумотларнинг стандарт сарлавҳалари билан формат-манتيкий текширишни, матндаги имло ва хатоларни текширишни таъминлаш имконини берувчи очиқ маълумотлар тўпламини жойлаштириш ва янгилашни мониторинг қилиш модулини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 октябрь	ЛБМА (Д. Лу)

**Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида жойлаштириш
учун очiq маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда устувор
халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқиш учун масъул
вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Халқаро маълумотлар базасининг номи*	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Жаҳон ривожланиш индикаторлари, Жаҳон банки. (World Development Indicators, World Bank)	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Ходжаев</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
2.	БМТ статистика департаментининг маълумотлар базаси. (UN data)	Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
3.	“Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари” маълумотлар базаси Халқаро валюта жамғармаси. (World economic outlook databases, IMF)	Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), Марказий банк (<i>М. Нурмуратов</i>), Молия вазирлиги (<i>А. Хайдаров</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
4.	Меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, Халқаро меҳнат ташкилоти. (Key indicators of the labour Market, ILO)	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Ш. Кудбиев</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
5.	Глобал соғлиқни сақлаш обсерваторияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. (Global Health Observatory data, World Health Organization)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А. Шадманов</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
6.	Сув таъминоти ва қишлоқ хўжалиги бўйича глобал ахборот тизими. Аквастат, ФАО.	Сув хўжалиги вазирлиги (<i>Ш. Хамраев</i>), Қишлоқ хўжалиги

	(Global information system of water and agriculture. Aquastat, FAO)	вазирлиги (<i>Ж. Ходжаев</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
7.	Савдо ва импорт тўсиқлари тўғрисида маълумотлар, Жаҳон банки. (Data on trade and import barriers, World bank)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С. Умурзаков</i>), Давлат божхона қўмитаси (<i>М. Азимов</i>) вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
8.	Глобал энергия маълумотлар, Халқаро энергия агентлиги. (Global energy data, International Energy Agency)	Энергетика вазирлиги (<i>А. Султонов</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
9.	Асосий транспорт статистикаси, Халқаро транспорт форуми. (Key Transport Statistics, International Transport Forum)	Транспорт вазирлиги (<i>И. Махкамов</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)
10.	Таълим бўйича миллий статистика, ЮНЕСКО. (National Statistics on Education, UNESCO)	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>), Халқ таълим вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А. Шин</i>), Давлат статистика қўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), вазирлик ва идоралар (тааллуқли қисми)

Изоҳ: халқаро маълумотлар базасининг рўйхати вазирлик ва идоралар ташаббуси билан тўлдирилиши мумкин.

**“Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” талабларига мувофиқ маълумотларнинг
очиқлиги ҳолатини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида тегишли
индикаторларни жойлаштириш учун масъул вазирликлар ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тоифалар номланиши	Параметрлар	Таркибий индикаторлар	Масъул вазирлик ва идоралар
1.	Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет	Режалаштирилган харажатлари. Давлат бюджетининг ижроси ва Давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси тўғрисидаги маълумот.	вазирлик, идораларнинг бюджети; тармоқлар кесимидаги бюджет; иктисодий таснифлаш кесимидаги бюджет; худоудлар кесимидаги бюджет.	Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>)
2.	Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет харажатлари	Давлат бюджетининг ижроси ва Давлат мақсадли жамғармаларининг ижроси тўғрисидаги маълумот.	вазирлик ва идоралар кесимидаги бюджет харажатлари; тармоқлар кесимидаги бюджет харажатлари; иктисодий таснифлаш кесимидаги харажатлар; худоудлар кесимидаги бюджет харажатлари.	Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>)
3.	Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан харидлар	Давлат органларининг барча танловлари ва тендерлари.	битим тури; товарнинг номланиши; суммаси ва миқдори.	“Ўзбекистон республика товар- хомашё биржаси” АЖ (<i>Ф.Ибрагимов</i>), Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>)

4.	Сайловларнинг натижалари	Охирги сайловларнинг натижалари. Овоз бериш натижалари ва сайлов жараёни тўғрисида маълумотлар.	Йирик миллий сайловларнинг натижалари; рўйхатга олинган овозлар сони; ҳақиқий эмас деб топилган овозлар сони; бузилган бланклар сони; сайлов участкалари даражасида маълумотлар очиқлиги.	Марказий сайлов комиссияси (С.Қурбанкулов)
5.	Бизнесни рўйхатга олиш	Рўйхатга олинган компаниялар рўйхати.	компания номланиши; манзили; солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР).	Адлия вазирлиги (Р. Давлетов)
6.	Ерга эгалик қилиш	Ердан фойдаланиш хариталари.	ер участкасининг чегаралари; ер участкасининг кадастр рақами; солиқ ставкаси ва балл бонитет; эгалик хуқуқи.	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев), ДСҚ (Б. Мусаев)
7.	Миллий хариталар	Мамлакат бутун худудининг 1:250 000дан кичик бўлмаган масштабдаги географик (топографик) харитаси.	асосий автомагистраллар, темир йўллари; гидрография (дарёлар, кўллари, каналлар ва бошқалар); рельеф; давлат чегараси ва маъмурий чегаралар; аҳоли пунктлари.	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев)
8.	Маъмурий бирликлар	Маъмурий (маҳаллий) бошқарув мақсадлари учун белгиланган маъмурий бирликлар тўғрисидаги маълумотлар.	маъмурий зона координаталари (кенглик, узунлик); маъмурий зонанинг номланиши; зона чегаралари (маълумотлар изоҳлаш координаталарни)	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев)

			имконини берувчи географик прогнозлардан ташкил топиши лозим).	
9.	Давлат манзилли тизими	Почта индексларининг макондаги тегишли жойлашуви кўрсатилган маълумотлар базаси.	почта индекслари манзиллари (манзил кўрсатилмаганида почта индекси кўрсатилиши шарт); координаталар (кенглик, узунлик).	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев)
10.	Миллий статистика	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки ишсизлик ва аҳолининг статистикаси каби демографик ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича асосий миллий статистик маълумотлар.	мамлакат аҳолиси (хар йили янгиланадиган маълумотлар, туғилиш ва ўлим статистикаси, келганлар ва кетганлар); ялпи ички маҳсулот (жорий нархларда ўлчанадиган, хар чоракда янгиланадиган); ишсизлик (хар чоракда янгиланадиган, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизларнинг сони ва даражаси).	Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Ш. Қудобиев)
11.	Қонун лойиҳалари	Ишлаб чиқиётган ёки ишлаб чиқиш учун режалаштирилган қонун лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек улар бўйича овоз бериш натижалари.	кўриб чиқиётган қонун лойиҳасининг мазмуни; қонун лойиҳасининг муаллифи; қонун лойиҳасининг ҳолати; қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш натижалари; мунозаралар стенограммаси.	Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Олий Мажлис палаталари (қелишув асосида)

12.	Миллий конунчилик	Барча миллий конунчилик ҳужжатлари ва уларнинг долзарблиги тўғрисида Интернет тармоғида жойлаштирилган очик маълумотлар.	ҳужжатнинг мазмуни / унинг мақоми; охирги ўзгартириш киритилган сана; ҳужжатга киритилган ўзгартиришларнинг мазмуни.	Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)
13.	Ҳаво сифати	Ҳавонининг ўртача суткалик ифлосланиши, айниқса одам саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган концентрацияси тўғрисидаги маълумотлар (маълумотлар мамлакатнинг барча ҳудудлари ёки мониторинг зоналари учун, жумладан камида 3 та йирик шаҳарни қамраб олган ҳолда очик бўлиши лозим).	қаттиқ заррачалар; олтингугурт оксиди; азот оксиди; углерод окиси; озон.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (<i>Б. Нишонов</i>), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (<i>Б. Қўчқоров</i>)
14.	Сув сифати	Ичимлик сув манбалари, шу жумладан сувнинг экологик манбалари сифати тўғрисида (кўллар, дарёлар, сизот сувлар) маълумотлар.	фекал колиформаси; маргумуш; фторид даражалари; нитратлар; эритилган қаттиқ моддаларнинг умумий микдори.	Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (<i>М. Солиев</i>), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (<i>Б. Исломов</i>), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (<i>Б. Қўчқоров</i>)
15.	Транспорт	Жамоат транспортининг ҳаракатланиш жадвали, схемаси ва йўл ҳақи.	йўналишли автобуслар; темир йўл поездлари (метро); авиатранспорт.	Транспорт вазирлиги (<i>И. Маҳкамов</i>)

16.	Ташқи савдо	Мамлакатнинг фаолияти тўғрисидаги ташқи савдо маълумотлар.	товарлар (товарлар гуруҳи) кесимида экспорт ва импорт кўрсаткичлари; савдо баланси (шу жумладан ҳамкор давлатлар кесимида).	Давлат статистика кўмитаси (<i>Б. Бегалов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С. Умурзоқов</i>), Давлат божхона кўмитаси (<i>М. Азимов</i>)
17.	Соғлиқни сақлаш	Соғлиқни сақлаш тизими тўғрисидаги маълумотлар.	вакцинация даражаси; тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражаси; аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий кўрсаткичлари; аҳолининг тиббий хизматлардан мамнунлиги даражаси.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А. Шодмонов</i>)
18.	Таълим	Мактабгача, ўрта (мактаб) ва олий таълим тўғрисидаги маълумотлар.	болаларнинг мактабгача таълим муассасалари билан қамраб оlinиши даражаси; болаларни умумий таълим муассасалари билан қамраб оlinиши даражаси; болаларнинг мактабга қатнаши даражаси; таълим муассасаларининг ўқитувчилар таъминланганлиги; тадқиқотчилик фаолияти, шу жумладан хорижий талабалар ва ўқитувчилар сони тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасалари рўйхати.	Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А. Шин</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И. Мажидов</i>)

19.	Жиноятчилик	Жиноятчилик даражаси тўғрисидаги маълумотлар.	жиноятчилик ҳисоботлар; йўналишлар ва кесимида кўрсаткичлари.	бўйича	Ички ишлар вазирилиги (П. Бобожонов), Бош прокуратура (О. Муродов)
-----	-------------	---	---	--------	--

Алоҳида таркибий индикаторлар бўйича Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Параметрлар	Чора-тадбирнинг номи	Амалга ошириш муддати	Масъул орган
I. Статистика методологиясини яхшилаш бўйича				
1.	Тўлов баланси бўйича қўлланмалар	Мамлакатнинг тўлов балансини ҳисоб-китоб қилишда “Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси бўйича қўлланма”нинг олтинчи нашридаги методологик стандартлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни Жаҳон банки эътиборига етказиш (ТБК6).	2019 йил 30 апрель	Марказий банк (<i>М.Нурмуродов</i>)
2.	Истеъмол нархлари индексининг базавий йили	Ўзбекистон Республикаси истеъмол нархлари индексини тузишда ўтган йил базавий йил ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотни Жаҳон банки эътиборига етказиш.	2019 йил 30 апрель	Давлат статистика қўмитаси (<i>Б.Бегалов</i>)
3.	Саноат ишлаб чиқариш индекси	Ўзбекистон Республикасининг саноат ишлаб чиқариш индекси ҳар ойда ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотни Жаҳон банкининг эътиборига етказиш.	2019 йил 30 апрель	Давлат статистика қўмитаси (<i>Б.Бегалов</i>)
4.	Импорт ва экспорт нархлар индекслари	1. Импорт ва экспорт нархлар индексини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҳисоботлар тузиш методикасини ўрганиш ва ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 июнь	Давлат статистика қўмитаси (<i>Б.Бегалов</i>),

Т/р	Параметрлар	Чора-тадбирнинг номи	Амалга ошириш мuddаги	Масъул орган
5.	ХВЖ маълумотларини жорий қилишнинг махсус стандартлари	<p>2. Импорт ва экспорт нархлари индексларини хар ойда эълон қилишни таъминлаш.</p> <p>1. Маълумотларни жорий қилишнинг кенгайтирилган умумий тизимидан (МЖҚк-УТ) ХВЖ маълумотларини жорий қилишнинг махсус стандартига ўтиш (МЖҚМС) бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. МЖҚ к-УТдан ХВЖ МЖҚМСга ўтиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни қабул қилиш.</p> <p>3. ХВЖ маълумотларини тарқатиш стандартларини қўллаш.</p>	<p>2019 йил 30 апрель</p> <p>2019-2020 йиллар давомида</p> <p>2020 йилда</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоков)</p> <p>Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров), Марказий банк (М.Нурмуродов), “Тошкент” РФБ (Б.Усмонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
II. Дастлабки маълумотлар сифатини яхшилаш бўйича				
6.	Аҳолини рўйхатга олиш	“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида аҳолини рўйхатга олишни 10 йилда камида бир маротаба ўтказиш тартибини мустақамлаш.	2019 йил 1 июль	<p>Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов), Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги (Б.Ходжаев), Молия вазирлиги (А.Хайдаров), ИИВ (П.Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)</p>

Т/р	Параметрлар	Чора-тадбирнинг номи	Амалга ошириш мuddати	Масъул орган
7.	Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш	<p>1. Қишлоқ хўжалигини рўйхат олишни 2022 йилдан кечиктирмасдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни 10 йилда камида бир маротаба ўтказиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш.</p>	<p>2019 йил 1 июль</p> <p>Рўйхатга олиш ўтказилганидан сўнг</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов), Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжаев), Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агрокомплексни назорат қилиш инспекцияси (У.Халилов)</p>
8.	Саломатликни текширувдан ўтказиш	<p>1. 2019 йилда аҳоли саломатлигини текширувдан ўтказиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш.</p> <p>2. Аҳоли саломатлигини 3 йилда камида бир маротаба текширувдан ўтказиш.</p>	<p>2019 йил 1 декабрь 2019 йилдан</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов)</p>
9.	Қашшоқликни текширувдан ўтказиш	<p>1. Истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун энг кам миқдорнинг аниқ қиймати ва таркибини аниқлаш.</p> <p>2. Аҳолининг қашшоқлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш методологиясини ўрганиш.</p> <p>3. Аҳолининг қашшоқлик даражаси кўрсаткичларини аниқлаш.</p>	<p>2019 йил 1 декабрь</p> <p>2019 йил 1 декабрь</p> <p>2020 йилдан бошлаб</p>	<p>Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжаев), Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов)</p>

Т/р	Параметрлар	Чора-тадбирнинг номи	Амалга ошириш муддати	Масъул орган
III. Маълумотлар базасининг даврийлиги ва долзарблиги				
10.	Даромадлар бўйича кашшоклик даражаси	<p>1. Халқаро таққослаш дастурининг (ХТД) навбатдаги глобал раундида иштирок этиши бўйича чоралар кўриш.</p> <p>2. Халқаро таққослаш дастурининг глобал раунди яқунлари натижаларига кўра даромадлар бўйича кашшоклик даражасини аниқлаш.</p>	<p>2019 йил 1 декабрь</p> <p>ХТД натижаларининг яқунларига кўра</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси (<i>Б.Бегалов</i>)</p>
11.	Болаларнинг овқат ёшгача болаларда етишмовчилигининг тарқалганлиги) тўйиб емаслиги бўлган вазн	<p>1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини ўрганиб чиқиш ва уларга риоя қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш.</p> <p>2. Болаларнинг тўйиб овқат емаслиги бўйича маълумотларни ишлаб чиқиш ва эълон қилиш, кейинчалик уларни камида 3 йилда бир маротаба янгилаб бориш.</p>	<p>2019 йил 1 июль</p> <p>2020 йилдан бошлаб</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>)</p>

**Жаҳон банкининг статистика салоҳияти индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини
яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари**

Т/р	Параметрлар	минимал/ максимал балл	2018 йил учун жорий балл	Яқунлар бўйича			Масъул вазирлик, идора
				2019 йил	2020 йил	2024 йил*	
	Умумий баҳолаш	(0 - 100)	51,1	61,1	83,3	100	Давлат статистика қўмитаси (Б. Беғалов)
I.	Статистика салоҳияти методологиясини баҳолаш	(0 - 100)	50	80	100	100	-
1	Миллий ҳисобларнинг базавий йили	(0 - 10)	10	10	10	10	Давлат статистика қўмитаси (Б. Беғалов)
2	Тўлов баланси бўйича фойдаланиладиган қўлланма	(0 - 10)	0	10	10	10	Марказий банк (М. Нурмуродов)
3	Ташқи қарзлар бўйича ҳисобот мақоми	(0 - 10)	10	10	10	10	Давлатнинг ташқи қарзи бўйича Молия вазирлиги (А. Хайдаров), Хусусий ташқи қарз бўйича Марказий банк (М. Нурмуродов)

4	Истеъмол нархлар индексининг базавий йили	(0 - 10)	0	10	10	10	10	Давлаг статистика кўмитаси (Б. Бегалов)
5	Саноат ишлаб чиқариш индекси	(0 - 10)	0	10	10	10	10	Давлаг статистика кўмитаси (Б. Бегалов)
6	Импорт ва экспорт нархлари индекси	(0 - 10)	0	0	10	10	10	Давлаг статистика кўмитаси (Б. Бегалов)
7	Давлаг молиясини ҳисобга олиш тизими	(0 - 10)	10	10	10	10	10	Молия вазирлиги (А. Хайдаров)
8	ЮНЕСКОда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ҳисобот	(0 - 10)	10	10	10	10	10	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов)
9	Вакцинация тўғрисида ҳисобот	(0 - 10)	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
10	ХВЖ маълумотларини жорий қилишнинг махсус стандартлари	(0 - 10)	0	0	10	10	10	Давлаг статистика кўмитаси (Б. Бегалов)
II.	Статистика салоҳиятининг дастлабки маълумотларини баҳолаш	(0 - 100)	20	20	60	100	100	-
1	Аҳолини рўйхатга олиш*	(0 - 20)	0	0	0	20	20	Давлаг статистика кўмитаси (Б. Бегалов)
2	Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш*	(0 - 20)	0	0	0	20	20	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев)

3	Саломатликни ўтказиш	текширувдан	(0 - 20)	0	0	0	20	20	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
4	Қашшоқликни ўтказиш	текширувдан	(0 - 20)	0	0	0	20	20	Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги (Б. Ходжаев) Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов)
5	Аҳолининг табиий ҳаракатини ҳисоблаш тизими		(0 - 20)	20	20	20	20	20	Адлия вазирлиги (Р. Давлетов)
III.	Статистика даврийлиги ва ўз вақтидалиги	салоҳиятининг	(0 - 100)	83,3	83,3	83,3	90	100	-
1	Даромадлар даражаси	бўйича қашшоқлик	10	0	0	0	0	10	Давлат статистика қўмитаси (Б. Бегалов)
2	Болаларнинг емаслиги	тўйиб овқат	10	3,3	3,3	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
3	Болалар ўлими		10	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
4	Болалар вакцинацияси		10	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
5	ОИВ/ОИТС		10	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)

6	Оналар саломатлиги	10	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
7	Таълимда гендер тенглик	10	10	10	10	10	10	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов)
8	Умумий таълимнинг яқуний кўрсаткичлари	10	10	10	10	10	10	Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов)
9	Ичимлик сувидан фойдаланиш имконияти	10	10	10	10	10	10	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов)
10	ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичлари (шу жумладан аҳоли жон бошига)	10	10	10	10	10	10	Давлат статистика қўмитаси (Б. Беғалов)

* Изох: рўйхатга олиш яқунларини жорий этиш жараёнлари ва муддатларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиқлиги индексида
2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича
“Йўл харитаси”

Т/р	Чора-тадбирларнинг номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Бюджет хужжатларининг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш				
1.	Вазирликлар ва давлат мақсадли жамғармалари бўйича бюджет очиқлигини кенгайтириш.	<p>1. Олий Мажлисга такдим қилиш учун давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси бўйича ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Аҳоли ва хорижий фойдаланувчилар томонидан фойдаланиладиган Очиқ маълумотлар портали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш.</p>	2019 йил 1 июль	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)
2.	Бюджет хужжатларининг “очиқ бюджет” ва “очиқ маълумотлар” порталларида эълон қилинишини таъминлаш.	Бюджет хужжатлари лойиҳаларини Бюджет очиқлиги шарҳи қондаларига мувофиқ белгиланган муддатларда жойлаштириш.	2019 йил 1 сентябрдан бошлаб	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)

II. Бюджет хужжатларининг мазмунини кенгайтириш

3.	<p>Халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида Бюджет таснифини янада кенгайтириш, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутиш: даромадлар ва харажатларни маъмурий birlikлар бўйича гуруҳлаштириш (бўйсунувдаги бюджет маблағларидан фойдаланувчи субъектлар); даромадлар ва харажатлар бўйича амалдаги бюджет таснифининг халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан таҳлили; солиқ бўлмаган манбалар бўйича багафсил маълумотлар.</p>	<p>Қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.</p>	<p>2019 йил 1 ноябрь</p>	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тушум турлари ва маъмурий birlikлар бўйича ўрта истикболга мўлжалланган прогнозларини ошқор этиш ва эълон қилиш.</p>	<p>1. Харажатларнинг вазирлик ва идоралар бўйича ўрта истикболга мўлжалланган прогнозларини ишлаб чиқиш методологиясини тасдиқлаш. 2. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ўрта истикболга мўлжалланган прогнозларини ишлаб чиқиш ва “Очиқ бюджет” ахборот порталида жойлаштириш.</p>	<p>2019 йил 1 август 2019 йил 1 ноябрь</p>	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Ходжаев)</p>
5.	<p>Давлат қарзи (жалб қилинган маблағлар) тўғрисидаги маълумотларни</p>	<p>1. Давлат қарзини баҳолаш ва бошқариш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш учун халқаро</p>	<p>2020 йилдан бошлаб</p>	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), Марказий банк</p>

	<p>халқаро стандартларга мувофиқ равишда ошкор этиш ва эълон қилиш.</p>	<p>молиявий институтлар экспертларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузиш.</p> <p>2. Давлат қарзи тўғрисидаги маълумотларни халқаро стандартларга мувофиқ равишда акс эттириш учун бюджет ҳисоботини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>		<p>(М. Нурмуродов), Давлат статистика қўмитаси (Б. Беғалов), вазирлик ва идоралар</p>
6.	<p>ХМИ тавсияларига мувофиқ, ўрта истиқболда бюджетни режалаштириш ва қоидалар асосида бюджет асосларини ривожлантириш учун йўриқнома сифатида бюджет мақсадли кўрсаткичларининг ижроси ёки улардан оғишлар юзасидан асослантиришларни баҳолашни ўз ичига олган солиқ-бюджет соҳасида давлат мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни бюджетномага киритиш.</p>	<p>1. Бюджетнома мазмунини кенгайтириш.</p> <p>2. Бюджет қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида халқаро молиявий институтлар экспертларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузиш.</p>	2020 йилдан бошлаб	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар</p>
7.	<p>Бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларни халқаро молиявий институтларнинг молиявий маблағлари ҳисобидан харажатларини консолидациялаш йўли билан Давлат бюджети қамровининг тўлиқ бўлишини таъминлаш.</p>	<p>Қонун ҳужжатларига давлат секторидаги барча молиявий оқимларни консолидациялашган бюджетда тўла қамраб олишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш.</p>	2019 йил 1 ноябрь	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар</p>
8.	<p>Бюджетлараро трансфертлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни ошкор этиш ва эълон қилиш.</p>	<p>Барча бюджетлараро трансфертларга тааллуқли маълумотларни, жумладан уларнинг батафсил тавсифини баҳолаш ва ошкор этиш.</p>	2019 йил 1 ноябрь	<p>Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)</p>

9.	<p>Бюджет сиёсатининг турли аҳоли гуруҳларига молиявий таъсирини очиб бериш мақсадида Давлат бюджетни харажатлари тўғрисидаги (жинс, ёш, даромад даражаси ёки ҳудуд кесимида) маълумотларни ошқор этиш.</p>	<p>Давлат бюджетни харажатлари тўғрисидаги бенефициарларнинг турлари кесимида таҳлил ва эълон қилиш.</p>	2020 йилдан бошлаб	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)
10.	<p>Давлат секторининг молиявий активлари, мажбуриятлари ва номолиявий активлари тўғрисидаги маълумотларни ошқор этиш ва эълон қилиш.</p>	<p>1. Вазирликлар, идоралар, бюджет ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг пул депозитлари, тақдим қилинган қарзлар ва қарз мажбуриятлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиш.</p> <p>2. Вазирликлар, идоралар, бюджет ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг молиявий активлари ва мажбуриятлари (жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик) тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиш.</p>	2020 йилдан бошлаб ҳар йили	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар
11.	<p>Давлат секторининг активлари ва пассивлари балансини шакллантириш.</p>	<p>1. Давлат сектори активлари ва пассивлари баланс ҳисоботини ХВЖ стандартларига мувофиқ тузиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Давлат сектори активлари ва пассивлари баланс ҳисоботини ХВЖ стандартларига мувофиқ тузиш.</p>	2020 йилдан бошлаб	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар

12.	Давлатнинг шартли қарздорлиги (кредитлар бўйича давлат кафолатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни ошқор этиш ва эълон қилиш.	Давлатнинг шартли қарздорлиги тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва эълон қилиш.	2020 йилдан бошлаб ҳар йили	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), вазирлик ва идоралар
13.	Давлатнинг солиқ харажатлари тўғрисида (солиқ имтиёзлари тўғрисида)ги маълумотларни ошқор этиш ва эълон қилиш.	Тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва эълон қилиш.	2020 йилдан бошлаб ҳар йили	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров), ДСҚ (Б. Мусаев)
14.	Консолидациялашган бюджет ва бюджет ҳисоботини ДМС шаклида тайёрлаш ва тақдим қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2020 йилдан бошлаб	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)
III. “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрини янада такомиллаштириш				
15.	“Фуқаролар учун бюджет” нашрининг тарқатиш каналларини кенгайтириш.	“Фуқаролар учун бюджет” нашрини каналлар ва оммавий ахборот воситаларининг турли шаклларидадан фойдаланган ҳолда тарқатиш.	2019 йил давомида	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)
16.	Аҳолининг бюджет маълумотларига эҳтиёжини аниқлаш учун жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар механизmlарини таъминлаш мақсадида ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар имкониятларидан фойдаланиш.	Ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар ёрдамида аҳоли билан қайта мулоқот каналларини ўрнатиш.	2019 йил 1 ноябрь	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)
17.	“Фуқаролар учун бюджет”ни бюджет жараёнининг ҳар бир босқичи учун нашр қилиш.	“Фуқаролар учун бюджет” нашрининг даврийлигини қайта кўриб чиқиш.	Доимий	Молия вазирлиги (А. Ҳайдаров)

<p align="center">IV. Жамоатчиликнинг бюджет жараёнидаги иштирокини кенгайтириш ва Ўзбекистон Республикасининг Бюджет очиклиги индексида иштирокини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар</p>			
18.	<p>Давлат бюджетининг прогноз параметрлари билан мустақил институтлар прогнозларини қиёсий таҳлил қилиш.</p>	<p>Расмий макроиқтисодий ва фискал прогнозлар билан таққослаш мақсадида мустақил институтлар томонидан муқобил равишда Давлат бюджетининг келгуси йилдаги даромадлари прогноз параметрларини тайёрлаш амалиётини жорий қилиш.</p>	<p>2019 йил 1 ноябрь</p> <p>Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>), Бюджет-солик тадқиқотлари институти</p>
19.	<p>Жамоатчиликни бюджет жараёнида фаол иштирок этишга жалб қилиш, фуқаролар билан очик мулоқотни таъминлаш.</p>	<p>Бюджет жараёнида жамоатчилик иштирокининг очик механизмларини кенг қўллаш бўйича таклифлар киритиш.</p>	<p>2019 йил 1 ноябрь</p> <p>Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>)</p>
20.	<p>Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистоннинг Бюджет очиклиги индексида қатнашишини таъминлаш учун тадбирларни ташкил этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг Бюджет очиклиги индексида юқори рейтингга эришиши бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молиявий институтларнинг экспертлари ва техник кўмагини жалб қилиш. Бюджетнинг очиклик даражасини текширувдан ўтказиш учун масъул вазирликлар, идоралар ҳамда мустақил институтлар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳини тузиш.</p>	<p>2019 йил 1 ноябрь</p> <p>Молия вазирлиги (<i>А. Ҳайдаров</i>), вазирлик ва идоралар</p>

**2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида
янгилашни лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий махсулотлар	ТИФ ТН коди*	Микдор	Нархи** (минг. АҚШ долларида) Давлат бюджети маблағлари
	Умумий харажатлар			2 218,2
1	Нархлар, уй хўжаликлари, индивидуал тадбиркорлик ва туризм текширувларини ўтказиш учун махсус қурилмалар (планшетлар) харажати, шундан:			178,5
	планшетлар (290 АҚШ долларидан)	847130	450	130,5
	сервер (лойҳанинг техник топшириғига мувофиқ конфигурация)	847150	1	24
	дастурий таъминот (плашет учун мобил илова (6 минг АҚШ доллари) ва веб-платформа (18 минг АҚШ доллари))			24
2	Давлат статистика қўмитаси тизимида фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ янгилаш харажатлари, шундан:			1 368,6
	компьютерлар	847141, 847149	1754	1 200
